

Бакалавриат 2024/2025 ўқув йили

2024/2025 ўқув йилида **бакалавриатга 524** нафар талаба қабул қилинди.

Маълумот учун: бакалавриатда 1 ўринга 20 та номзод (ўтган ийлда 15 та)

Жорий ўқув йилидан бошлаб, “**Прокурорлик фаолияти**” йўналишида **иккинчи олий таълим шакли** йўлга қўйилди.

Академияда **дуал таълим** шакли 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб **синов** тариқасида жорий этилиши белгиланди.

Жумладан, Академиянинг битирувчи **3-курс талабалари** учун ўқишнинг **16 ҳафтаси** назарий таълим, яна **16 ҳафтаси** эса прокуратура, суд, ички ишлар органлари, божхона хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва Мажбурий ижро бюросида бевосита амалиёт ўташ тарзида олиб бориш режалаштирилган.

Бакалавриатнинг **1-курси** учун мўлжалланган модуллар умумназарий ва фундаментал бўлганлигини инобатга олиб, қўшимча амалий машғулотлар, **4 та** илмий мактаб ва **17 та** тўгарак воситасида **дуал таълимга** тайёрланмоқда.

Бакалавриатнинг **2-курс** талабалари учун **криминалистика лабораторияси, киберлаборатория, киберполигон, юридик клиника, тергов полигони, суд-тиббий экспертиза хонаси, суд имитацияси зали, рақамли криминалистика лабораторияси, сўроқ қилиш ва таниб олиш полигони, ўқотиш комплекси, "102" навбатчилик қисмида навбатчиликни ташкил этиши** ва шу каби **10 дан ортиқ** қўшимча воситалар ҳамда **сайёр тадбирлар** ёрдамида ўқув режадаги семинар машғулотларининг аксарият қисми амалий машғулотлар шаклида олиб борилди.